

УДК:72.03

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21472824>

**ЁШЛАРНИ СПОРТГА ЖАЛБ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ
БИНОЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**
KIUT доценти, Ш. Р. БОБОЁРОВА

Ушбу мақолада ёшларни спортга қизиқтириш бўйича замонавий спорт иншоотлари жумладан сув спорт саройи мажмуаси тўғрисида ёритилган. Мажмуа объектининг бугунги кундаги аҳоли, айниқса ёшларни замон билан ҳамнафас тарзда ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини таъмин қилиш бўйича сув спорт саройи учун берилган таълим лойиҳа орқали кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Спорт, трибуна, бассейн, ҳовуз, мусобақа.

В данной статье освещаются вопросы привлечения молодёжи к спорту, в том числе рассматриваются современные спортивные сооружения, такие как комплекс Дворца водных видов спорта. На примере предложенного проектного решения показано значение данного объекта в современных условиях для развития населения, особенно молодёжи, в ногу со временем, а также для организации здорового образа жизни.

Ключевые слова: Спорт, трибуна, бассейн, водоём, турнир

This article highlights ways to engage young people in sports, including modern sports facilities such as a Water Sports Palace complex. The significance of this facility in today's context is demonstrated through a proposed design project, emphasizing its role in helping the population- especially youth- develop in line with modern trends and in promoting a healthy lifestyle.

Keywords: Sport, Tribune, Swimming pool, Pond, Tournament.

I. КИРИШ

Бугунги кунда спортга бўлган эътибор юртимиз бўйлаб кенг қўламли ишлар орқали катта эътибор қаратилган, шу боисдан замонавий қулайликларга эга биноларни лойиҳалаш орқали ёшларни спортга жалб этиш нафақат соғлом турмуш тарзини, балки замонавий шаҳарсозлик нуқтаи назаридан шаҳарлар кўринишини ҳам ривожлантириб бориш долзарб ҳисобланади. Спорт саройлари аҳолининг кундалик соғлом турмуш тарзини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай бинолар нафақат ёшларни соғломлаштиришда, балки ёшлар ўртасида спорт бўйича турли хил мусобақалар ташкиллаштириш учун муҳим маскан сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Аҳоли сонининг ортиши ва урбанизация жараёнлари ушбу турдаги биноларга бўлган талабларни янада оширмоқда. Шу боис, тадқиқот мақсади сифатида Жиззах шаҳри учун замонавий, қулай ва функционал тўғри ечим қилинган спорт биноларини лойиҳалаш асосий мақсад қилиб белгиланди. Олийгоҳларда амалга оширилаётган диплом лойиҳаларида ҳам талабаларни шу мавзуга жалб қилишни вазифа сифатида киритдик.

II. МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Замонавий биноларга бўлган талаб кўпгина архитектуравий жиҳатдан мураккаб ечимларга эга замонавий қулайликлар билан ташкил этилган спорт биноларини лойиҳаланишига сабаб бўлди.

Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин, спорт бинолари бўйича кичик бўлсада тадқиқот олиб борилиши зарур. Лойиҳалаш жараёнида биринчи ўринда бионинг турини ўрганиш, асосий эътиборни унинг функциясига мос шаклни топа билишда нималарни ҳисобга олиниши, таҳлил қилиниши кераклигини англамоқ лозимдир.

Мустақиллик йилларида Тошкентда ва бутун республикада спорт иншоотлари курилишлари кенг авж олди. Бадантарбия ва спорт машғулотлари учун барча шароитлар яратилди. Янги типда яратилаётган ҳар бир ўқув юрти – коллежда ва лицедда ёпиқ спорт танобийлари, футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари, теннис кортлари курилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлиги остида ва ташаббуси билан сўнгги йилларда Тошкентда курилган “Юнусобод”, “Жар”, Миллий банк спорт мажмуалари жаҳон андозалари талабига мос келади, уларда мунтазам жаҳон ва қитъалараро мусобақалар, турли халқаро беллашувлар ўтказиб турилмоқда[2.173-174-б.].

Спорт иншоотлари қуйидаги турларга бўлинади: - очик ва ёпиқ; - ёзги ва қишки; - ҳажмли ва ясси; - универсал ва ихтисослаштирилган [2.206-б.].

Сув бўйича шаклланган биноларини ўрганиш мақсадида унинг тарихига назар ташласак, уларни келиб чиқиши, сув биноларининг структурасини кўриш, ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш муҳимдир.

Покистондаги Моҳенжо-Даро ўрнида жойлашган “Буюк ҳаммом” мил.ав. III-минг йилликда қазилган, топилган биринчи сузиш ҳавзаси бўлган. Ғишт билан қопланган бу бино ўлчамлари 12х7 м. қилинган ва смола билан қопланган.

Қадимги Юнон ва Римликларда спорт машғулотлари, денгиз ўйинлари ва ҳарбий машқлар учун сунъий бассейнлар куришган. Рим императорларининг балиқлар ҳам сақланадиган шахсий сузиш ҳавзалари бўлган, шунинг учун бассейнни англатувчи латинча сўзлардан бири писцина бўлган. Биринчи иситиладиган бассейн Гаюс Месенас томонидан Эсквилин тепалигидаги боғларда курилган.

XIX-асрнинг ўрталарида Буюк Британияда сузиш ҳавзалари машҳур бўлиб кетди. 1837-йилда Англиянинг Лондон шаҳрида олти ёпиқ бассейн мавжуд эди. Мейдстон шаҳридаги Мейдстон сузиш клуби Британиядаги энг қадимги сақланиб қолган сузиш клуби деб ҳисобланади.

Шаҳар курилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда бассейнларнинг мақсадли белгиланиши, сигими ва бошқаларга қараб қишки ҳовузли бинолар шаҳарнинг алоҳида қисмида, стадион ҳудудида, комплекснинг бошқа спорт биноларида, шаҳар ёки туман оромгоҳида жойлашиши мумкин.

Одатдаги бассейнли бинолар ҳовузнинг ўлчамларига боғлиқ равишда тўғри тўртбурчакли шаклда бўлади. Мамлакатимиздаги спорт сув ҳовузларини лойиҳалаш ва кўриш амалиётида ўқув-машғулотлари ва мусобақалар ўтказиладиган турдаги сув бассейнлари кенг тарқалган. Бу турдаги биноларнинг кириш қисми қисқа, ён томонда жойлашган. Кириш қисмининг бундай лойиҳаланиши залнинг бўйлама узунлиги бўйича хизмат кўрсатувчи хоналари оқилона жойлаштириш имконини бериб, аёллар ва эркекларнинг икки алоҳида йўналишда ҳаракатланишига эришилади. Бу композицион усул, албатта шаҳар курилиши талабларига ва қўшимча хоналари жойлаштириш шартларига боғлиқ ҳолда фронтал ёки бошқа курилмаларни инкор этмайди [1.249-б.].

Ёпиқ иншоотларни структураси кўрадиган бўлсак, қандай хоналардан ташкил топишсини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Ёпиқ спорт сув бассейнларида жойлашадиган асосий хоналар гуруҳи:

- спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин, вестибюл, гардероблар, ҳожатхоналар;

- сузиш учун мўлжалланган ҳовузли зал;

- спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналари - сузиш машғулотларини ўтказиш зали, кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона ва массаж хоналари, тиббий хона, анжомлар, иситкич-қуригич, маълумот бериш хонаси, услубий ва бошқалар;

- томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари - кулуарлар, буфетлар, киосклар, ҳожатхоналар;

- маъмурий-хўжалик хоналари - директор хонаси, хўжалик бўлими, ўқув бўлими, рўйхат бўлими, кассалар ва бошқалар;

- ёрдамчи қўшимча хоналар - филтрлар, хлоратор, дезинфекция хоналари, лаборатория, устахона, омборхоналар ва бошқалардан иборат.

Спорт сув бассейнларини лойиҳалашда сузишга чиққан пояфзалсиз, спорт кийимидаги спортчиларга алоҳида йўлаклар эътиборда тутилиши зарур[1.249-б.]



1-расм. Сув спорти саройи биноси.

Сув спорт биноларини лойиҳалашда функционал зоналашни аниқ ва тўғри хал қилиш аҳамиятлидир. Сув спорт биноларида ҳаракат оқими жуда муҳим. Асосий зоналар қуйидагича:

- Спорт зонаси - катта бассейн (олимпия 50×25 м, чуқурлик: 2-3 м, 10 та йўлак), машғулот бассейни (25 × 12.5 м), сакраш бассейни (чуқурлик: 5 м гача, миноралар: 3 м, 5 м, 7.5 м, 10 м)
- Томошабин зонаси - трибуналар
- Спортчилар зонаси - кийиниш хоналари, душ, массаж, мураббий хоналари
- Техник зона - филтрлаш, насослар, сувни тозалаш тизими
- Жамоат зонаси - фойе, кафе, кассалар.

Жамоат биноларининг катта оралиқли томларида темир-бетондан, пўлат ва ёғочдан бўлган рамали конструкциялар ишлатилади. Рамалар статик ишининг хусусияти тўсинларнинг устунлар билан мустаҳкам боғланиши ҳамда тўсинларнинг кесимда ўлчамларининг камайиши билан аниқланади [3.193-б.].

Спорт биноларини лойиҳалашда уларни архитектуравий ечими шу билан бирга том конструкцияси жуда аҳамиятли ҳисобланади. Кўп ишлатиладиган конструкциялардан қуйидагилар: металл фермалар, фазовий каркас, мембрана том, аркалардан ташкил топиши мумкин. Архитектура томондан кўпинча тўлқин шаклидаги томлар ишлатилади. Спорт иншоотларини лойиҳалашда табиий ёруғликни тўғри ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Бассейнларда ёруғлик жуда муҳим бўлиб, юқоридан зенит чироқлар, ён томондан катта ойналар, лекин қуёш нури тўғридан-тўғри сувга тушиб кўзни қамаштирмаслиги керак бўлади.

Душлар, хожатхоналар, кийиниб-ечиниш жойи, массаж хоналари, курук-иссиқ ҳаммом майдони, буфет ва буфет учун қўшимча хоналар назарда тутилади. Дам олиш хонаси спорт залида ёки бассейнда шуғулланаётган учун, тиббийхона, қабулхона, ечиниш ва шифокор хонасидан иборат бўлиб, замонавий биноларда махсус жиҳозланган муолажа хоналари ҳам лойиҳаланади. Бундай хоналар спортчиларнинг кириш жойларига яқин жойлашиши ва спорт аренасидан ёки бассейндан қулайлик билан келиш имкони бўлиши зарур.

Ҳакамлар учун хоналар - зал таркибида ҳакамлар ҳайъати учун, бош ҳакам хонаси, котибият, фотолаборатория хоналари, кийим алмаштириш, душ ва хожатхоналар. Бу хоналар мусобақа ўтказилаётган жой ва финиш зонаси ҳамда ҳакамлар ўринлари билан қулай боғланган бўлиши зарур.

Радио-төлешарҳловчиларнинг хоналар гуруҳи асосан трибуналарнинг охири қаторларидан сўнг ёки қаторлар узилган оралиқларда, икки қаватли трибуналарнинг қават оралиқларида жойлашади. Бутун спорт аренаси ва бассейни ҳовузи яққол кўринадиган жойдаги махсус кабиналардан ташқари, бу гуруҳга матбуот маркази хоналари ҳам киради.

Матбуот марказида телефон тармоғи ва телеграф, овоз ёзиш ускуналари, хизматчилар хонаси, матбуот-бар ва конференс-зал жойлашади.

Томошабинларнинг трибуналардан эвакуация қилиниши бир хил қадамда жойлаштирилган люклар орқали амалга оширилиши зарур. Эвакуация чиқиш йўллари кенглиги спорт залларидаги чиқиш йўллари кенглигининг йиғиндисидан кам бўлмаслиги лозим. Эвакуация йўлининг кенглиги:


- горизонтал ўтиш йўллари, пандус ва зинапоялар учун - 1 метрдан;
- ёпиқ спорт иншоотларидаги эшиклар ва люклар учун - 1,2 метрдан;
- очик спорт иншоотларидаги люклар учун - 1,5 метрдан кам бўлмаслиги зарур.

Энг узокда жойлашган томошабин ўрнидан чиқишгача бўлган максимал эвакуацион масофа - 32 метр. Томошабинларни эвакуация қилиш йўллари кенглиги ер участкасидаги кенглиги 500 томошабинга 1 метр ҳисобидан қабул қилиниши керак [2.212-6.].

III. НАТИЖАЛАР


Бугунги кунда Тошкент Ким Халқаро Униерситети олийгоҳида ҳам битирувчи талабаларни диплом лойиҳаларида айнан замонавий бинолар лойиҳаларини бажаришга эътибор қаратилган. Ўрганилган сув спорт биноларининг архитектураси, композицион ечимлари таҳлилидан руҳланган ҳолда талабалардан Ҳидоят Омина Миразиз қизи ва Мансуров Абдурахим Карим ўғлиларнинг “Сув спорт саройи лойиҳаси” мавзусидаги диплом лойиҳаси замонавий бинолар қаторида бугунги кун талабидаги соғлом турмуш тарзи учун муҳим бўлган бинолар лойиҳасини доцент Ш.Бобоёрова раҳбарлигида бажаришди. Сув спорт саройи лойиҳасини бажариш жараёнида бинони архитектуравий такомиллаштиришни Жиззах шаҳрининг бир қанча замонавий руҳда қилинган бинолари ўрганилган ва юртимизда сув спорт бинолари архитектураси ўрганилган ҳамда ҳудудни ўрганиш, тадқиқ қилиш натижасида Жиззах шаҳри И. Каримов кўчасига замонавий лойиҳа таклифини бериш бўйича тавсиялар ва лойиҳавий ечимлар берилган.

TARH 1:1500 ±0.000x12.000



2-расм. Сув спорт саройи таклиф лойиҳаси тархи. (Талабалар: О.Ҳидоят, А.Мансуров. Раҳбар Ш.Бобоёрова)

Талабалар диплом лойиҳасини бажариш жараёнида лойиҳанинг архитектуравий ечимлари ҳал қилишда бир қанча спорт биноларни ўрганган, таҳлил қилган. Сув спорт саройи биносини лойиҳалаш бўйича бинонинг меъморий тузилишида унинг қандай ҳудудда жойлашганлигига ва аҳоли учун бинодан фойдаланишдаги ҳамда мусобақалар вақтида функционал қулайликларига алоҳида эътибор қаратилган. Кўчага нисбатан бинога кириш ва чиқиш қулайликлари ечими яхши яратилган.



3-расм. Сув спорт саройи таклиф лойиҳаси. (Талабалар: О.Ҳидоят, А.Мансуров. Раҳбар Ш.Бобоёрова).

IV. МУҲОКАМА

Талабалар раҳбар тавсиясига кўра бинони лойиҳалашда янги ёндошувлар ва инновацион технологиялар қўллашга ҳаракат қилишган. Сув спорт саройи биносининг ҳажмий-тархий ечимлари бўйича функцияга мос таклифлар берилган. Бино 2 қаватдан ва тархий ечимлар, тарзлар, жойлашув бўйича бош тарх, умумий кўриниш ва ички муҳит бўйича бир қанча интерьерлар таклифи берилган.

Таклиф берилган сув спорт саройининг афзаллиги, танланган ҳудудга архитектуравий композицион жиҳатидан замонавийликни акс эттирган. Бинонинг яна бар амалий аҳамияти шундаки, комплекс тарзда танланган ҳудудда ҳам ёзги, ҳам қишки сув ҳавзаларига эга. Ёзги сув ҳавзасидан оддий аҳоли учун ёзги дам олиш маскани сифатида ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд.

V. ХУЛОСА

Хулоса ўрнида спорт бинолари архитектурасига хос жиҳатлар, жумладан, мазкур лойиҳада Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрига замонавийликни берувчи иншоот бўлиб, вазифасига кўра ёшларни спортга жалб этиш мақсадида лойиҳаланди ҳамда шаҳар аҳолисига замоний сув иншооти сифатида хизмат қилади. Ўтказилган таҳлилларга кўра шаҳар аҳолисига жаҳон стандартларига мос келувчи сув спорт саройи керак эканлиги ўрганиб чиқилди ҳамда бино жойлашган ҳудуднинг атрофида ўқув юртларига қўшимча бино сифатида ҳам хизмат олиб боришга имкон яратди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари. Дарслик. Т.: 2009 й. 249-255-256-б.
2. Қодирова С., Абдужабборов М. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш. Дарслик. Т.: 2020 й. 206-212-б.
3. Вахитов М.М., Мирзаев Ш.Р. Меъморчилик. II қисм. Фуқаролик бинолари. Т.: 2010 й. 193-б.
4. Кадилова Т.Ф. Ўзбекистон замонавий архитектураси тарихи. Дарслик. Т.: 2014 й. 173-174-б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
6. Раҳимов Б.Х., Қосимова С.Т. Бино ва иншоотлар реконструкцияси. Дарслик. Т.: 2008 й.

Интернет маълумотлари

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/sport_inshootlari